Abduvali YULDASHEV
Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. PhD student. Dengiz-85@mail.ru

ХОРИЖДА ЎҚИГАН ТУРКИСТОН ЁШЛАРИ ҲАЁТИНИ ЁРИТИШДА МАКТУБЛАР МУҲИМ МАНБА

ЭПИСТОЛЯРНЫЕ ИСТОЧНИКИ В ОСВЕЩЕНИИ ЖИЗНИ ТУРКЕСТАНСКОЙ МОЛОДЕЖИ ЗА РУБЕЖОМ

THE ROLE AND IMPORTANCE OF LETTERS AS A SOURCE FOR STUDYING THE HISTORY OF THE EDUCATION OF TURKESTAN YOUTH

Калит сўзлар: *Жидда, Бурса, "Садои Туркистон" газетаси, Олия, Уфа, Абдувоҳоб Муродий, "Кўмак" уюшмаси, ҳикмат (физика), мударрис(профессор), Берлин, Халқ маъориф комисарлиги, Хайриниса Мажидхонова, Султон Матқул.*

Ключевые слова: *Жидда, Бурса, газета "Садой Туркистон, "Олия", Уфа, Абдувахоб Муродий, общество "Кумак", физика, мударрис (профессор), Берлин, комиссариат народного образования, Хайриниса Мажидхонова, Султон Маткул*

Keywords: *Zhidda, Bursa, the newspaper Sadoi Turkiston, Oliya, Ufa, Abduvahob Murodiy, the Kumak society, physics, mudarris (professor), Berlin, the commissariat of public education, Khayrinisa Mazhidkhonova, Sulton Matkul.*

Ўтмиш тарихни ёритишда кўплаб манбалар тадқиқот вазифасини ўтайди. Уларда акс этган мазмун ўша давр тарихини ёритишда мавжуд бўшлиқларни тўлдиришда катта ёрдам беради. Ана шундай манбалар қаторида мактублар ҳам ўзига хос ўринга эга. Чунки мактублар тарих саҳифаларини жонлантиришда, шахснинг фикр юритиши, унга оид маълумотларни ойдинлаштиришда, тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган айрим зарур чизгиларни тўлдиришда илмий қиммат касб этади. Улар фақат кўнгил ёзиш, инсоннинг ўз фикрини қоғозда ифодалаш усули бўлибгина қолмай, балки ўз даври, яшаган ҳудуди, даврнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан хабардор бўлиш имконини беради.

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ёшларининг замонавий таълим олиш мақсадида ўзга ҳудудларга бориб таълим олишлари ва ўз мамлакатлари ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиёти йўлидаги ҳаракатлари, Туркистоннинг ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, қарамликдан озод этиш йўлидаги интилишлари кўплаб манбаларда акс этган. Шундай манбалар қаторида уларнинг таълим олиш йўлидаги машаққатлари ўзларининг ҳаёти мактубларида ҳам акс этиб, бу мактублар тарихни ҳаққоний ёритишда, манбаларнинг бир-бири билан қиёслаш ва тўлдиришда муҳим ўрин тутади.

XX аср бошларигача бўлган даврда Туркистон ёшларининг кўпчилиги Арабистон, Ҳиндистон ва Миср каби мамлакатлардаги мадрасаларда таҳсил олдилар [*1.Qizil bayroq.1922 yil*.]. XIX аср охирларига келиб Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати ва унинг тараққиёти натижасида кўплаб ёшларда дунёвий таълимга бўлган қизиқиш ортди ва Россиянинг марказий шаҳарлари, Озарбайжон, Туркия ва Европа мамлакатларига таълим олиш учун бордилар. Таълим олишга борган бу ёшлардаги ўзгаришлар уларнинг тилида, ташқи кўринишларида ва айниқса уларнинг дунёқарашларида яққол акс этган [*2.Zarafshon 1923 yil*]. Борган мамлакатларидаги ўзгаришлар, тараққиётни қоғозга тушириб ўз ватандошлари ва яқинларига тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Тақдир тақозоси билан бошидан бир қанча синовларни ўтказган ва ҳаж йўли орқали Жиддага бориб, рус консули ёрдами билан 1894–1904 йилларда Москвадаги Лазарев номли Жонли Шарқ тиллари институтининг дастлаб гимназияси, сўнг олий курсларида ўқиган Рўзимуҳаммад Дўсматовнинг тоғаси Муҳаммад Амин Муқимий билан ёзишмаларида уларга оид маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Муқимийнинг кичик синглиси Меҳриниса ва мешкоб касби билан шуғулланган Дўсмат аканинг оиласида туғилган Рўзимуҳаммад онасидан эрта айрилади ва тўққиз – ўн ёшларида отаси билан ҳаж зиёратига отланади. Йўлда унинг отаси касалликдан вафот этиб ёш бола ҳамроҳлари ёрдамида Жиддагача боради. Жиддадаги рус консули рўйҳатидан ўтиш чоғи унинг йўлдаги ҳамроҳлари бола ҳақида бўлган воқеаларни сўзлаб беришади. Шундан сўнг рус консули Александр Дмитриевич Левицкий уларни уйига таклиф қилади ва оиласи билан таништиради. Консулнинг аёли Зинаида Алексеевна ёлғиз бўлиб уларнинг фарзандлари йўқ эди. Консул ва унинг аёли Рўзимуҳаммадни асраб олиш ҳақидаги таклифлари унинг йўлдаги ҳамроҳларига ҳам маъқул келиб, болани Левицкийнинг оиласида қолдириб йўлларида давом этадилар. Шу тариқа Рўзимуҳаммад Дўсматов рус консулининг оила аъзосига айланади [*3. Abdulla S. 1978. 128-135 b.*].

Ушбу мақола Туркистон ёшларининг хорижда таълим олиш тарихини ёритишдаги мактубларнинг манба сифатидаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган. Ёшлар узоқ ўтмишдан бери хорижда таҳсил олиш, ислом оламининг олий ўқув юртлари, дунёнинг йирик шаҳарларида таълим олишга интилиб яшаганлар. Бу жараён XIX аср охири XX асрнинг 20-йилларигача бўлган даврда Туркистонда ҳам давом этди. Ёшлар Туркистонни ривожланган мамлакатлар даражасига кўтаришга, Европа илм-фан тараққиёти ва техникасининг ривожланишига таъсир кўрсатган дунёвий фанларни ўзлаштириш ва уларни ўрганишга катта эътибор қаратдилар. Мамлакатда таълим, маданият, санъат, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш учун керакли кадрлар тайёрлаш заруратида маҳаллий маърифатпарвар зиёлилар ва илмга ҳайриҳох кишилар катта хизмат кўрсатдилар.

Бу даврда Туркистон ёшларининг кўпчилиги Россия, Татаристон, Озарбайжон, Туркия ва Германия каби мамлакатларнинг марказий шаҳарларида ўқидилар. Муаллиф архив ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва таълим олиш жараёнини кўрсатишга ҳаракат қилди.

Шунингдек, хорижда таълим олган талабалар фаолияти кўриб чиқилди. Мақолада хорижда ўқиган Туркистон ёшларининг айрим мактублари таҳлил қилинди. Ишнинг янгилиги ушбу ҳужжатлар орқали талабалар ҳаётининг турли томонларини очиб беришга ҳаракат қилинди.

В данной статье рассматриваются роль и значение писем в качестве источника изучения истории получения образования туркестанской молодежью в зарубежных странах. Молодые люди из Туркестана с давних времен стремились учиться в высших учебных заведениях в странах исламского мира. Этот процесс охватывает и период до конца 19-го и до 20-х годов 20-го века. В это время молодые люди придавали огромное значение также изучению западно-европейских дисциплин, повлиявших на прогресс науки и техники. Местная интеллигенция создавала условия, необходимые для подготовки кадров, которые бы обеспечили успех образования, культуры, искусства, промышленности и сельского хозяйства в стране.

Большинство туркестанской молодежи получило образование в учебных заведениях центральных городов России, Татарстана, Азербайджана, Турции и Германии. Автор, изучив архивные документы, попытался показать социально-экономическую жизнь и учебу студентов.

Также был освещен вопрос деятельности студентов за рубежом. В статье приводятся некоторые письма туркестанской молодежи. Новизна работы заключается в попытке проанализировать документы, которые раскрывают различные стороны жизни и деятельности студентов.

This article discusses the role and importance of letters as a source for studying the history of the education of Turkestan youth in foreign countries. Young people from Turkestan have long sought to study in higher educational institutions in the Islamic world and. This process also covers the period until the end of the 19th and up to the 20s of the 20th century. At this time, young people attached great importance to the study of Western European disciplines that influenced the progress of science and technology. The local intelligentsia created the conditions necessary for training personnel that would ensure the success of education, culture, art, industry, and agriculture in the country.

Most Turkestan youths were educated in educational institutions in the central cities of Russia, Tatarstan, Azerbaijan, Turkey, and Germany. The author, having studied archival documents, tried to show the socio-economic life and study of students.

The issue of student activities abroad was also highlighted. The article provides some letters of Turkestan youth. The novelty of the work lies in an attempt to analyze documents that reveal various aspects of the life and work of students.

Дастлаб Консулнинг аёли Зинаида Александровна билан Петроградга келиб унинг онасидан дастлабки сабоқни олади, кейин Москвага келиб мактабга жойлашади. Рўзимуҳаммад Дўсматов 1898 йил май ойида Қўқон шаҳрига келади ва ёзги таътилни Муқимийнинг уйида икки ой давомида ўтказади. Муқимий ва қариндошлари даврасида ўтган суҳбатларда у Москвадаги таълим, унда ўтиладиган дарслар, рус адабиёти намоёндалари ва уларнинг асарлари ҳақида маълумот беради [*4. Zarifov H. 1955. 28 b.*].

Таътилдан сўнг, Москвага қайтган Рўзимуҳаммад энди тоғаси билан мактуб орқали алоқа боғлайди. Мактублардан бирида Муқимий жиянидан ўз суратини юборишни сўрайди ва у хатга жавобан талабаликда тушган суратини юборади. Суратда Рўзимуҳаммад гимназия формасида: бошида фуражка, эгнида пиджак, шим, пальто, оёғида ботинкаси бор эди [*4. Zarifov H. 1955. 29-b.*]. Муқимий ва жияни ўртасидаги мактублар гарчанд тоға-жиян ўртасидаги муносабатлар бўлса-да, унда келтирилган маълумотлар тарихий жиҳатдан қимматли аҳамиятга эгадир.

XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Туркистон маҳаллий зиёлилари ёшларни дунёвий таълим олишлари учун мусулмон мамлакатлари, айниқса Туркиянинг марказий шаҳарларидаги дорулфунунларга юбордилар. Бу даврда Абдурауф Фитрат Абдураҳим ўғли, Шоҳид Эҳсон Мусаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Атохўжа Хўжаев (Ота Хўжаев), Холид Саид Хўжаев, Мазҳар Бурхонов, Бекжон Раҳмонов каби кўплаб Туркистоннинг таниқли маданият ва жамоат арбоблари таҳсил олишга муяссар бўлдилар. Уларнинг айримлари хайрия ташкилотлари ёрдами билан айримлари эса хусусий маблағлари ҳисобидан таълим олдилар.

Улар таълим олиш баробарида ўз юртининг тинчлиги, фаровонлиги ва келажагини бир лаҳза унутмадилар, юрт қайғуси билан яшадилар. Мамлакатдаги ҳар бир ўзгаришларни кузатиб, хабардор бўлишга интилдилар. Туркистондаги янгиликлар юзасидан ўз муносабатларини билдирдилар.

"Садойи Туркистон" газетасининг 1914 йил 30 май сонида "Бурса[1]дан мактуб" номли мақола босилган. Унинг муаллифи М.З. Ҳидоятий Истанбулдаги туркистонлик талабалардан биридир. У мактубида бундан тўрт йил олдин Истанбулга таҳсил учун келганлигини ёзади. Демак, у 1910 йилда Истанбулга ўқиш учун борган. Унинг мактуби "Садойи Туркистон" газетасининг чиқишига бағишланган бўлса-да, муаллиф унда мамлакатни ўтмиши ва бугунини таққослаган ҳолда ундаги камчиликлар ва ютуқларига ўз эътиборини қаратган. М.З. Ҳидоятий ўз мактубининг кириш қисмида ўтмишга назар ташлайди. Туркистон заминидаги илм ўчоқлари, яъни мактаблар, мадрасалар уларда таҳсил олган Ғаззолий, Фаробий, Навоий каби олимлар етишиб чиққанлиги ҳақида ёзади. У Шарқ маданиятига баҳо бериб, "*Шарқ манбаъи маданият эди. Ғарб маданияти Шарқ маданиятининг маҳсулидир, Ғарб Шарқдан дарс оларди*" деган фикрларни илгари суради [*Sadoyi Turkiston. 1914 yil*]. Ўрта асрлар Шарқ маданиятининг гуллаб яшнаганлигига эътиборини қаратган.

Кейинги даврларда эса Туркистондаги бу маданият инқирозга юз тутганига тўхталади. Бошқа мусулмон мамлакатлари тараққий этишда давом этиб, янгиликлар сари интилган бўлса-да, Туркистон халқлари ҳеч бир бу ишга қўл урмаганини, ғафлат уйқусида қолганига эътибор қаратган.

Мактуб давомида ўз даврига юзланади ва Туркистонда ҳам ўзгариш ва ислоҳотларга бўлган ҳаракатлар вужудга келаётганини, унга интилувчи кишилар мавжудлигини аммо бир, икки киши билан миллат ва ватанда ривожланиш ва тараққиёт бўлмаслигини таъкидлайди. Шу билан бирга айни пайтдаги мухтожлик бу матбуот эканлигига тўхталади.

Мактуб якунида Туркистонда чиқа бошлаган "Садойи Туркистон" газетасига тўхталиб: "*Бундан тўрт йил муқаддам таҳсил учун Истанбулга келмиш эдим. Бу йиллар ичида ватанимнинг аҳволидан асло хабардор бўлолмадим. Доимо суюкли ватаним ҳам бирор жаридага молик бўлсун! Биз ҳам борлигимизни оламга кўрсатайлук! деб кўп орзу қилурдим. Ҳамд ўлсунки орзумга муввaффақ бўлдим. Биноан алайҳ "Садойи Туркистон" мувассилларига баёни ташаккур қилурман ва "Садойи Туркистон"нинг давом ва интишорини[2] жаноби Ҳақдан таманно[3] қилурман*" [*Sadoyi Turkiston. 1914 yil*].

М.З.Ҳидоятийнинг "Садойи Туркистон" газетасида босилган ушбу мактубида асосий эътибор газетанинг чиқарилиши ва тараққий этишига қаратилган бўлса-да, ундаги келтирилган маълумотлар орқали, бир талабанинг Туркистон тараққиёти учун бефарқ эмаслиги, унинг ўтмишига оид маълумотлардан хабардор бўлиш мумкин.

Мактубларда Туркистон ёшларининг ўқишга борган таълим даргоҳлари ҳақидаги маълумотлар билан бирга уларнинг ижтимоий, иқтисодий шароити ҳам акс этган. Шундай мактублардан бири Туркистон миллий матбуотида ўзига хос ўрин тутган Мирмуҳсин Шермуҳамедов[4]га тегишли бўлиб, у 1915 йилда Уфада очилган дунёвий фанлардан ҳам таълим берувчи "Олия" мадрасасида таҳсил олади. 1917 йилда мадрасадаги таҳсили вақтида "Туркистонлик ўқувчилар жамияти"ни тузади [*6. Qosimov B. 2002. 283 b.*]. Жамият фаолияти жараёнида ўз уставини ишлаб чиқади [*7. Yosh kuch. 1991yil. 5-b.*]. Жамият устав асосида фаолият олиб борган ва қўшни мамлакатларда ўқиётган Туркистон талабалари билан алоқада бўлган. Лекин, замонасининг оғир шароити иқтисодий етишмовчилик боис у ўқишни давом эттиришга муҳтожлик сезади. Чора излаб Туркистон халқига мактуб йўллайди. Унинг мактуби Туркистон Мухториятининг матбуот органи бўлган "Эл байроғи" газетасида "Хўқанд ёшларига мурожаат" номи билан нашр этилади. Мактубда қуйидаги сўзлар битилган эди. "*Таҳсил бошидан бу кунгача баъзи бир афандиларнинг ёрдами соясида ўқишимди давом эттириб келсам ҳам шундан сўнг моддий тарафимни таъмин эта олмасликни ўйлаб, декабр ўрталарида ўқишимни тўхтатиб қайтмакка мажбур бўлатурғонга ўхшайман. Улуғ Туркистон элига, тотли ҳаёлларга ишониб келуб*

[1] Бурса - бу шаҳар Усмонли турк империясининг биринчи пойтахти бўлган. Шаҳар Босняликлар томонидан қурилган ва Пруса деб аталган. Туркиядаги қадимий шаҳарлардан бири. Турклар бу шаҳарни Бурса деб атайдилар.

[2] *интишори* – ёйилиши

[3] *таманно* – истак, хоҳиш, умид

[4] *Мирмуҳсин Шермуҳамедов* – Ёзувчи ва журналист 1895-йили Тошкентда туғилган. Ўзбек матбуотининг асосчиларидан бири. 1916–17-йилларда Уфадаги "Олия" мадрасасида ўқиган. 1917 йили Тошкентга қайтган. 1917 йили Февраль тўнтарилиши муносабати билан "Турон" газетасига ёзган "Тарихий икки воқеа" мақоласи катта жанжалга сабаб бўлган. Себзор қозикалони ҳукми билан Мирмуҳсинга ўлим жазоси берилади. Лекин бу ҳукм қамоқ жазоси билан алмаштирилади. Мирмуҳсин қамоқдан қочиб, Уфага кетади. Фуқаролар уруши бошланиб кетгач, Мирмуҳсин Шарқий фронтнинг армиялари сиёсий бўлимида жангчи-журналист сифатида хизмат қилади.1920 йилнинг бошларида Тошкентга қайтиб, дастлаб "Иштирокиюн", сўнг "Қизил байроқ", "Туркистон" ва бошқа газеталарда муҳаррирлик қилади.

мундан қиш ўртасида ўзим учун қанча қанча келишмаган бўлса Улуғ Туркистонда яшагувчи ёшлар учун ҳам шул қадар уят, шул қадар келишмаган бир иш бўлса керак: шул нуқталарни кўзда тутиб, қайтишимдан илгари муҳтарам Ҳўқанд ёшларига мурожат этмоқчи бўлдим, ҳам ушбу қисқагина мактубим ила айтдим.

Афандилар! Сизнинг ҳар биригизда миллат ҳиси илм ва маорифга муҳаббат бор. Биноа алар менинг ушбу мурожатимга итфот этиб, мени жамиятларингиздан ёрдам этингиз.

Бани таҳсил ўртасида қайтармакга ризо бўлмангиз! Бир Туркистон боласининг илтимосига қулоқ солингиз! Умидим сўнмасин! Руҳим тушмасин! Ҳурмат ила қориндошингиз: Мирмуҳсин Шермуҳамадов".

Адрес: Уфа "Олия" [*El bayrog'i. 1918 yil*].

Мактуб бир шахснинг ўқиш жараёнидаги иқтисодий муҳтожлик боис мурожати бўлса-да унда ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг оғир эканлиги, чорасиз бир Туркистон боласининг Қўқон халқидан ёрдам сўраб мурожат этишга мажбур қилганлигини билиш мумкин. М.Шермуҳамедовнинг яна бир мактуби "Улуғ Туркистон" газетасининг 35-сонида босилган. Мақола "Ташаккурнома" деб номланиб унда Туркистоннинг маърифатпарвар ёшлари Чўлпон ва Мирюсуф Мирзаҳмадбоев каби ёшларга ўз миннаддорчилигини билдирган. Унда қуйидагича баён қилинади: "*Бошимга тушган оғир фожиалар сабабидан бу қиш таҳсилим учун мутлақо ёрдамга муҳтож бўлуб қолган эдим. Муна шул ҳолимни эътиборга олуб, Туркистоннинг очиқ фикрли ёшларидан Абдулҳамид афанди Сулаймоний ила Мирюсуф афанди Мирзаҳмид бойуфдан бир миқдор иона топширилди ва тағида ваъда этилди. Иона соҳибларининг ҳар бирига чин кўнгилдан ташаккур айтаман. Яшасин шундай ҳимматли ёшлар! Шундай миллий ҳимматгагина таянуб, мен Уфаға "Мадрасаи Олияга кетдим*" [*Ulug' Turkiston 1917 yil*].

Инқилоб арафасида Россия империясининг мустамлакаларидаги аҳволи оғир ҳолда эди. Бир томондан империя зулми иккинчи томондан маҳаллий бошқарувдаги кишилар таъзийқи, ундаги солиқлар, ишсизлик, қолоқлик ва қолаверса биринчи жаҳон урушининг таъсири бу мамлакатлардаги ижтимоий, иқтисодий ҳаётни оғир ҳолатга солиб қўйган эди. Талабаларнинг мактубларидаги мавжуд муҳтожлик ана шу ҳаётнинг мазмунини ҳам беради. Иккинчи томондан ўлка тараққиёти йўлида илмга ҳайрихоҳ кишиларнинг таълим олиш иштиёқидаги иқтидорли ёшларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб турганлигини кўриш мумкин. Хусусан, зиёлилар уларнинг таълим олишларидаги иқтисодий таъминотни қоплаш учун турли хайрия тадбирлари ташкил этиб улардан тушган маблағлар орқали бу ёшларни таъминлаб турганлар. Бу жараён айниқса Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин маҳаллий маърифатпарварларнинг фаолиятида яққол кўзга ташланади [*Turkiston. 1923 yil, Kizil bayrok.1922 yil, Turkiston. 1922 yil*].

Октябрь тўнтаришидан кейин Россия империяси ўрнига совет ҳокимияти ўрнатилган бўлса-да, мустамлаканинг шаклини мустаҳкамлаб борди. Буни яхши тушунган маҳаллий зиёлилар ва илмга чанқоқ ёшлар мамлакат тараққиётини ўз қўлларида деб билиб, иқтидорли ёшларни хорижда ўқиш, илм-фан техника сирларини хорижнинг ривожланган мамлакатларида ўзлаштириш ва унинг амалиётини ўз юртларида татбиқ қилиш орқали мамлакатни ривожлантиришга умид қилдилар. Шу ишонч билан кўплаб ёшлар Россиянинг марказий шаҳарлари, Озарбайжон, Туркия ва Германияга ўқишга йўл олдилар. Бу жараёнда ҳукумат аралашуви ҳам бўлди. Мазкур даврда Туркистоннинг ривожланиши унинг саноат ва қишлоқ хўжалигини тараққий қилишида, фан-техниканинг ушбу соҳаларга олиб киришда ҳукуматнинг ҳам олий маълумотли кадрларга муҳтожлиги бор эди. Қолаверса, хорижга ўқишга кетаётган талабалар учун хориж паспортлари ва турли ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳукуматнинг аралашуви зарур эди.

Туркистондан юборилган айрим талабаларга Туркистон республикаси томонидан стипендия маблағлари билан таъминлаб турилган. Хорижнинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқишни бошлаган ёшларнинг фаолияти ўқув юртларига оид маълумотлар архив ва матбуотдаги ҳужжатлар билан бирга уларнинг мактубларида ҳам баён қилинади. Мактубларда таълим жараёни, уларнинг ҳаёти, ўзлаштиришлари шунинг билан бирга Туркистон тараққиёти масаласи ҳам ёритилган. Хусусан, совет ҳокимияти даврида дастлабки Германияга бориб таълим олишни бошлаган Туркистон ёшларидан бири Берлин зироат академияси талабаси, тошкентлик Абдуваҳоб Муродийнинг Туркистонда ташкил этилган "Кўмак" уюшмасига йўллаган мактубида, бундай хайрли ишни бошланганлигидан қувонганини ёзади. У талабалар тўплаш ишида уюшма фаол бўлса Германияга келган талабаларнинг жойлаштириш ишларида ўз ёрдами билан тайёр эканлигини ёзади. Шунингдек, у Туркистонда ташкил этилган "Кўмак" уюшмаси фаолиятига тўхталиб, турли ўлкалардан ўзининг кўплаб ёшларини европача таълим олиши учун кўплаб жамиятлар ташкил этилганини, бироқ замон ва муҳитдаги муаммолар боис узоқ фаолият кўрсатмаганини

таъкидлаб ўтади ва “Кўмак” уюшмаси фаолиятида барча бирдам ҳаракат қилиб тўсиқларни енгиб ўтишларига умид билдирган [*Qizil bayroq. 1922 yil*].

Абдуваҳоб Муродийнинг яна бир мактубида Европа мамлакатларининг Шарқ мамлакатларига эътибори, Германияда Туркистон ёшларини ўқитиш ва у ердаги илм фан тараққиётига тўхталган. Германияга келиб Европани яқиндан таниш имкониятига муваффақ бўлганини ёзиб, европаликлар Шарқни бир умр қоронғуликда сақлаш учун йирик-йирик жамиятлар тузганликларини, улар Шарқни текшириб, у ҳақида китоблар ёзиб, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб боришларини келтиради. Шарқда бирор ривожланиш сезилса уни тўхтатиш учун бор кучи билан чора излашларини ёзади [*Qizil bayroq. 1922 yil*].

А. Муродийнинг мактубида келтирган яъни, Европада Шарқни ўрганиш бўйича фикрларини “Ёш Туркистон” газетасининг 53-сонида босилган Эсон Турсун муаллифлигидаги бир мақолада ҳам келтирилган. Унда қуйдаги фикрларни кўришимиз мумкин: *“Шарқий Овропани ўрганмак мақсадила Олмонияда “Шарқий Овропо” номинда буюк бир жамият ила Прусиёнинг баъзи дорлфнунлари ёнинда яна бу номда институтлар қурулғон. Олмон давлатининг ва турлу олмон саноат доираларининг моддий ёрдами ила қурулуб, билимнинг турлу тармоқларидан етишиб, ўз соҳаларинда шуҳрат қозонғон олмон билгичиларининг раҳбарлигила ишлаб турғон бу жамият ва институтлар ўз иҳдёрларина юклатилган вазифаларни ҳар жиҳатдан лойиқила бажара биларлик вазиятдадирлар. Кундалик, ҳафталиқ, ойлиқ нашриётға эгадирлар. Бундан бошқа бу жамият ва институтлар шарқий Оврупо мамлакатларининг, ойниқса Русиянинг тарихи, ижтимои, сиёсий-иқтисодий ва адабий турмушина оид тез-тез қимматли асарлар чиқариб турадирлар”* [*Yosh Turkiston. 1934 yil. 12-13-b.b*]. Мақолада Қрим, Идил-Урал, Кавказ, Озорбайжон ва Туркистон ўлкаларига оид турли соҳаларда ҳамда совет ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига оид кўплаб адабиётлар яратилганини ёзилади.

А. Муродий Германияда Туркистон ёшларини ўқитиш борасида эътибор бериб, бу мамлакатнинг устун жиҳатлари ва Туркистон учун қулай тарафларига тўхталади. Германия Шарқнинг уйғонишини истайдиган, Европада илм-фан ва маорифда устоз саналишини, немисларнинг олий мактабларида юзлаб америка, француз ва инглиз талабалари ўқишини, ҳамда бу ердан муҳандислар тўпламоқ учун бир нечта жамиятлар келганликларини фикрлари исботи сифатида кўрсатади. Шу билан бирга, Европа давлатлари ичида Туркистонга энг яқини ҳам Германиядир қолаверса Россия ҳукумати билан бу мамлакатнинг алоқалари яхшилиги кўплаб Туркистон ёшларини Германияда ўқитиш имкониятини беришини баён қилади [*Qizil baroq. 1922 yil*].

А.Муродий бу мактублари орқали Туркистон ёшларини ҳам Европада сони ортишини Туркистонни тараққий этиши учун бу ёшларни айниқса Германияда ўқишларига катта эътобр қаратган. Шунинг учун ҳам Германиядаги ҳаётни ёритиш билан бирга мактубларида у ердаги таълим жараёнига ҳам тўхталган. Унинг “*Германияда ўқиш ва ўқитиш*” номли мактубида ана шу масалага тўхталган. Жумладан: у Германияда 21 та дорулфунун ва бошқа юқори ва ўрта махсус мактаблар борлигини таъкидлаб, ундаги дарсларнинг ўтилишини қуйидагича тасвирлайди. *“... мактабда ўқитилмоқда бўлган ҳикмат (физика) дарсини олайлик. Талаба бу дарсни тинглар экан, мударрис (профессор) бутун тажриба қилиб кўрсатиш шарти билан бир соат сўзлар. Икки кундан кейин мударрис томонидан талабаларга бул дарс тўғрисида вазифа берилур. Вазифа бажарилганидан сўнгра бутун тажрибаларни яна талабалар ўз қўли билан қилур. Бутун нозик ерларини таъриф ва исбот этар, татбиқот ясар. Мана шу йўллар билан бир дарс устида талаба мударрис қармоғида 4 соат чолишар”* [*Qizil bayroq. 1922 yil*].

Ўтилган дарснинг моҳиятини талаба томонидан қабул қилиниши ва унинг кейинги фаолияти ҳамда эришадиган натижаларига тўхталади. Талаба дарсни тинглаш билан кифоя қилмай, фаннинг моҳиятини тушунган ҳолда дарснинг руҳига кира олишини айтади. Таълим олувчи томонидан шу тариқа фанга бўлган қизиқиш такидлаб, унинг кейинги фаолиятини қуйидагича изоҳлайди: *“...Мана шу сурат билан унинг миясида фан туғилур ва яшар. Ихтиро фикри уйғонур. Катта имтиҳон бўлганда ана шул дарсдан ҳам сўз, ҳам ёзув билан имтиҳон берур. Сўнгра шул фан тўғрисида бир китоб ёзар. Ул китоб мударрислар орасида ўқилур. Улар танқид этарлар. Талаба исбот қилур. Шул йўл билан талабанинг фаннинг ҳар нуқтасига етишганлиги билингач қўлига шаҳодатнома берилур. Бу шаҳодатномани олган талабага ҳар қандай иш топширилур. Талаба бир назариётчи бўлиб эмас, балки, ҳақиқий бир фан олими бўлиб етишар. Сўнгра яна жуда кўп бўлган Дорул масоиларга давом этиб, мударрис даражасига етиша билур*” [*Qizil bayroq. 1922 yil*].

Абдуваҳоб Муродий биргина физика фанининг ўқитилиш жараёнини ана шу тарзда тасвирлаб, бундай таълим олиш орқали фанларни ўзлаштириш ва мукаммал эгаллаш имокиятига тўхталади.

А.Муродийнинг мактублари Туркистон миллий матбуоти саҳифаларида босиб чиқарилади.

Бу мактублар билан танишган маҳаллий зиёлилар, ёшлар ва айниқса Германияга таълим олиш учун кетаётган ёшларнинг Европа илм-фанига бўлган қизиқиш янада ортган бўлиши табиий ҳол дейиш мумкин. Чунки, 1922 йил ўрталаридан Германиянинг турли шаҳарларида жойлашган олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига кириб ўқиш аввалида Туркистон ва Бухоро ёшлари тил ўрганиш курсларига йўналтирилади. Уларда ўзлари танлаган олийгоҳларига кириш учун тезликда немис тилини ўрганишга киришиб ҳаттоки, қўшимча маблағ сарф қилган ҳола хусусий дарслар ҳам олганлар [*O‘z MA. 213,214,216-varaqlar*]. Бу ўринда совет ҳукумати даврида хорижда таълим олиш учун борган дастлабки ўзбек қизларидан Хайринса Мажидхонованинг Туркистон Республикаси Маориф Халқ Комисарлиги қошидаги “Туркистон талабаларининг стипендия комисияси” га йўллаган мактуби ўринлидир. Мактубдан дастлаб унинг қайси санада ва қайси ташкилот ҳомийлигида Германияга юборилганлиги аниқ бўлади.

“Германияга Наркомпрос стипендианти бўлуб 1922 нчи йилнинг 19 нчи ноябрида келуб биринчи галда немис тилини ўрганишга чалишдик” [*O‘z MA. 214-varaq]*. Немис тилини ўрганиш билан бирга у фанларни ҳам ўқишга тўғри келганлигини, бунинг сабаби қилиб: *“... мен Туркистонда ўрта мактабни битирганим йўқ эрди. Кирадурган мактабимга олмонларнинг ўрта мактабини битирган ёки шу шул баробарида маълумоти бўлиши шартдир”* – деб кўрсатади [*O‘z MA. 214-varaq*].

Германияда ўқиш учун танлаган таълим даргоҳига тўхталиб: *“Кирадурган мактабим 4 йиллик бўлуб муаллимлар семинарияси. Ҳозирги тайёрланиб туришимда 1924 нчи йилнинг октабрида мактаблар бошланадир. Кирмакка қодир бўлсам керак”* – деб ёзади [*O‘z MA. 214-varaq*].

Х. Мажидхонова сарф-ҳаражатлари масаласига тўхталиб: *“Хусусий дарсимни яхши ерларда кетмаганига пулнинг камчилиги ҳам баъзи вақтлар вақтида келмагани маълум бўлади. Буни баробар ўрта мактабга кирмак хусусий кириб пул сарб қилиб ўқушимнинг сабаби кўзлаган мактабимга тезлик билан кириб ўқишдир”* – деган маълумотларни сабаб қилиб кўрсатади [*O‘z MA. 214-varaq*].

У ушбу мактубни ёзиш орқали Германияда таълим олишининг асосий мақсад нимадан иборатлигини қуйидагича изоҳлайди. *“Ҳар холда шул училишин пайида мактубни ёзиб Туркистонни қоронғу хақолина хотин-қизлар дунёсига ёрдам бериши ва уларнинг ёруғлиқка чиқоришга чошмоқни мени бурчим деб биламан”, –* деб мактуб сўнгида ўз имзоси ва ёзилиш санасини *“Берлин 5 июнь 1924 йил”* қилиб кўрсатади [*O‘z MA. 214-varaq*]. Мактуб мазмунидан биргина ўзбек қизининг ўзга юртда таълим олиш йўлидаги ҳаракати билан бирга унинг ўз мамлакати учун қанчалик буюк мақсадни кўзлаганини таҳсинга сазовор. Хайринисо Мажидхонова 1928 йилгача Германияда ўқиб Ўзбекистонга қайтади [*17. htt’://n.ziyouz.com/ matbuotuz/*].

Германияга Хайриниса Мажидхонова билан бир даврда ўқиган Султон Матқул[5]нинг “стипендия комиссияси” га Берлиндан 1924 йил 16 июнда йўллаган хатида 1922 йил сентябрь ойида Туркистон Халқ Хўжалигининг стипендианти бўлганини ва унинг ҳомийлигида 1922 йилнинг декабрида Германияга келганини ёзади. У Туркистонда машинасозлик йўналишида ўқиган бўлса-да, бу соҳа ўлкада тараққий этмаганлиги, ҳозирги кунда Туркистон учун фойдали ва аҳамиятли бўлган электротехника йўналишида ўқишни танлаганлигига тўхталади. С.Матқул 1923 йилнинг ёзидан Берлин олий техника академиясига ўқишга қабул қилинади. Бунгача бўлган вақтда у Университет қошидаги немис тили ўрганиш курсларида ўқиб олий ўқув юртига топшириш имкониятини берадиган гувоҳнома олганлигини ёзади [*O‘z MA. 179-varaq*]. Султон Матқул академиядаги ўқиш даврига тўхталиб: “*Ушбу академияда 4 йил (8 сместр) таълим берилади. Яна қўшимча бир йил амалиёт ўталади. Буларни тугатмай битирув имтхонига рухсат берилмайди*”, – деб ёзади. Германияга четдан келиб ўқувчилар учун ерли талабаларга қараганда ўзлаштириш қийинроқ эканлигини, бунга етарли малакага эга эмасликларини, шу боис кўп вақт йўқотганликларини такидлайди. “*Шунга қарамай у ердаги таълимни вақтида тамомлашга ишонаман*” – деб ўз мактубини якунлайди [*O‘z MA. 179-varaq*]. У билан бирга кўплаб ўзбекистонлик ёшлар Германиянинг турли олий ўқув муассасаларида таълим олдилар.

Султон Матқул ўқишини тамомлаб бир йилга яқин Берлинда ишлайди. 1931 йили Султон Матқул рафиқаси Бася Райбман ва Берлин олий техника мактабини элеткротехника соҳаси бўйича битирган дўсти Тўлаган Мўмин билан бирга Германиядан СССРга қайтади. У оиласи билан Муҳиддин Турсунхўжаев ёрдамида Москвада яна бир ой туриб, Тошкентга келади ва бу ерда дастлаб

[5] Султон Матқул - асли хўжандлик ўзбеклардан бўлиб, 1902 йил 15 декабрда ота юртида, таниқли ишбилармон Матқул Алибековнинг оиласида таваллуд топган. 1919-1920 йилларда Хўжанддаги қизил қўшин таркибида отлиқ аскар бўлиб хизмат қилган. Армия сафидан бўшагач, Тошкентдаги “Кўмак” жамиятининг ёрдами билан 1922 йили туркистонлик ва бухоролик йигит қизлар каторида Германияга ўқишга борган. 1922-1930 йилларда Берлинда ўқиган.

Ўзбекистон электрлаштириш бошқармасида бош муҳандис бўлиб ишлайди, бу ердаги мазкур соҳа бўйича ишлаётган маҳаллий ишчи кадрларни тарбиялаш, республикада электротехника тармоқларини ривожлангириш, электр кувватидан саноат объектларида рационал фойдаланиш ҳамда электр тизимини замонавий илм асосида бошқариш ишига раҳбарлик қилади. Бу борада Германияда тўплаган назарий ва амалий билимларини ишга солади [*Turdiev SH. 2006. 89-90 b.*].

Хорижда ўқиган талабаларнинг кўплаб мактублари Туркистон миллий матбуотида ҳам нашр этилган. Унда талабаларнинг таъминотсиз қолиб ёрдам сўраб қилган мурожатлари, ўқиётган таълим муассасалари ҳамда у ердаги ҳаёти, турли илм-фан, техникага оид янгиликлар ва ёшларнинг ўзаро уюшиб амалга ошираётган ишларидан маълумотлар акс этган [*Turkiston. 1924 yil*].

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ёшларининг хориж мамлакатларида таълим олиш тарихини ёритишда матбуот, архив манбалари, кишиларнинг хотиралари қиёсий таҳлил ва аниқлигига қараб хорижда ўқиган Туркистон ёшлари тарихини ёритишда бирламчи манба вазифасини ўтайди. Ана шу материаллар билан бир қаторда ёшларнинг ўзлари томонидан ёзилган мактублар ҳам маъно мазмунидан келиб чиққан ҳолда тарихий манба сифатида аҳамиятга эга. Улардаги маълумотлар ушбу мавзуни янада батафсил ёритишда, воқеликларни қиёсий таҳлил қилишда илмий хулосаларнинг хаққонийлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

FOYDALANILGAN ADABIYOT VA MANBALAR

1. Abdulhamid Sulaymon. Istiqbol uchun kurash // Qizil bayroq.1922. 2 sentabr.
2. Birov. O‘zgalar ta’siriga berilmasa edi // Zarafshon. 1923 yil 10 iyun. Maqolada chet mamlakatlarda o‘qib Turkistonga qaytgan yoshlarning tili va tashqi ko‘rinishidagi o‘zgarishlar tanqid ostiga olingan.
3. Qarang: Abdulla S. Asarlar 4 jildlik. 3-jild. Mavlono Muqimiy. –Toshkent. 1978. 128-135-betlar.
4. Zarifov H. Mahammad Amin Muqumiy. Hayoti va ijodiga oid materiallar. – Toshkent., 1955. 28–29-betlar.
5. Brusadan maktub. // Sadoyi Turkiston. 1914 yil 30 may.
6. Qosimov B. Millliy uyg‘onish: jasorat, ma’rifat, fidoyilik. –T., Mahnaviyat, 2002. 383-bet.
7. Agzamxo‘jaev S. Brlashmoq maslagidagi toliblar // Yosh kuch. 1991. 5-son, 5-bet.
8. Muxtaram yoshlarga murojat // El bayrog‘i. 1918 yil 23 yanvar.
9. Tashakkurnoma. // Ulug‘ Turkiston 1917 yil 4 noyabr.
10. G‘ozi Yunus. Xayrlik o‘ltirish. // Turkiston. 1923yil 11 fevral.; Abdulhamid Sulaymon. Istiqbol uchun kurash // Kizil bayrok.1922 yil 2 sentabr.; A. S. Chetdagi talabalarimizga yordam // Turkiston. 1922 yil 26 noyabr.
11. Germaniyadan xat. // Qizil bayroq. 1922 yil, 29 iyul.
12. Eson Tursun. Rusiya muhojirot siyosatina bir qush boqishi. // Yosh Turkiston. 1934 yil aprel. 12–13-betlar.
13. Germaniyadan xat. II. Ovrupo va biz // Qizil baroq. 1922 yil 1 avgust.
14. Germaniyadan xat. III. Germaniyada o‘qish va o‘qitish // Qizil bayroq. 1922 yil, 4 avgust.
15. O‘z MA. 25-fond, 1-ro‘yxat, 529-ish, 213, 214, 216-varaqlar.
16. O‘z MA. 25-fond, 1-ro‘yxat, 529-ish, 214-varaq.
17. Turdiev SH. XX asr boshlarida Germaniyada o‘qigan turkistonlik talabalar. Ma’rifat qaldirg‘ochlari 1989. htt’://n.ziyouz.com/matbuotuz/qayta-qurish-davri-matbuoti/sherali-turdiyev-ma-rifat-qaldirg-ochlari – 1989
18. O‘z MA. 25-fond, 1-ro‘yxat, 529-ish, 197-varaq.
19. Turdiev SH. Ular Germaniyada o‘qigan edilar. Toshkent–2006. 89–90-betlar.
20. Germaniyadan xatlar: Umidlik bir o‘quvchimizning yurak ezarlik holi. // Turkiston. 1924 yil 19 aprel. Maqolada Germaniyada Til institutida o‘quvchi Ibrohim Orifhonov tahminotsiz qolib Turkiston hukumatidan yorda so‘rab yozgan maktubi bosilgan., “Ko‘mak” jurnali. // Turkiston. – 1924 yil 1 iyun. E’lon ko‘rinishida bo‘lib, Germaniyada o‘quvchi talabalar tomonidan chiqarilgan “Ko‘mak” jurnali haqida ma’lumot berilgan.